

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич,
Андижон давлат университети
"Фуқаролик жамияти назарияси" кафедраси катта ўқитувчиси

СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

For citation: Hodjamberdiev Khurshidbek Egamberdievich. THEORITICAL UNVEILING OF SOCIO-POLITICAL CONFLICTS IN THE FORMER SOVIET UNION'S SOCIETY. Look to the past. 2020, SI, pp. 554-561

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-73>

АННОТАЦИЯ

Мақолада собиқ Иттифоқ жамиятидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлар илмий адабиётлар орқали таҳлил қилинган. Шу билан бирга, тадқиқотда XX асрнинг 60-80-йилларида партия "ривожланган социализм"га эришиш учун ўзининг барча имкониятларини ишга солганлиги масаласи ҳам очиқ берилган.

Калит сўзлар: "ривожланган социализм", тарихшунослик, "турғунлик даври" "қайта қуриш", тоталитар давр, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар.

Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич,
Старший преподаватель кафедры "Теория гражданского общества"
Андижанского государственного университета

ТЕОРИТИЧЕСКИЕ ПОДХОД СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ КОНФЛИКТОВ В ОБЩЕСТВЕ БЫВШЕГО СОВЕТСКОГО СОЮЗА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется социальная и политическая напряженность в бывшем советском обществе с помощью научной литературы. Также, исследование показывает, что в 60-х и 80-х годах 20-го века партия делала все возможное для достижения "передового социализма".

Ключевые слова: "развитый социализм", историография, "спад", "реконструкция", тоталитарный период, социально-политические конфликты.

Hodjamberdiev Khurshidbek Egamberdievich,
Head teacher of the "Theory of Civil Society"
Andizhan State University

THEORITICAL UNVEILING OF SOCIO-POLITICAL CONFLICTS IN THE FORMER SOVIET UNION'S SOCIETY

ABSTRACT

The article analyzes the social and political tensions in former Soviet society through scholarly literature. At the same time, the study reveals that in the 60s and 80s of the 20th century, the party did its best to achieve "advanced socialism".

Index terms: "advanced socialism", historiography, "recession", "reconstruction", totalitarian period, social and political conflicts.

Долзарблиги. Собиқ иттифоқнинг XX асрнинг 70-80-йиллари тарихи "қайта қуриш" сиёсатчилари томонидан "турғунлик" даври деб аталди. Албатта, бу даврдаги турғунлик ҳолати турли тарихчилар ўртасидаги ўзаро баҳс-мунозараларга сабаб бўлсада, Ўзбекистон тарихи фани нуқтаи назаридан баҳолаганда, мазкур турғунлик мавжудлигини эътироф этган ёки унга қарши нуқтаи назарда турган тарихчи олимлар фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки бу даврда иқтисодий ривожланиш соҳасида турғунлик аломатлари кўзга яққол ташланмаса-да, ижтимоий-сиёсий соҳадаги турғунлик аниқ ва равшан тарзда ўзини намоён этган эди.

XX асрнинг 60-80-йилларида партия "ривожланган социализм"га эришиш учун ўзининг барча имкониятларини ишга солди, оммавий ахборот, тарғибот-ташвиқот воситалари халқ оммаси онгига "ривожланган социализм" босқичида социализм ўзининг энг юқори фазасига эришади, бу даврда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, маданият-маърифат имкон даражада ривожланади, халқнинг турмуш даражаси мунтазам ошиб боради, совет кишиларининг янги "социалистик турмуш тарзи" шаклланади, деган сохта, амалга ошириб бўлмайдиган ғояларни сингдиришга ҳаракат қилди [1].

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш формаларини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳар қандай ишлаб чиқариш юксак самарадорлигининг ҳал қилувчи шарти деб белгиланди. Л.И. Брежнев партия аграр сиёсатининг шу муаммоси дастурий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни "қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг магистрал йули" деб атади [2].

КПСС МКнинг 1965 йил март Пленумидан кейин иттифоқ раҳбарияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштиришни яхшилаш ва иқтисодий рағбатлантириш бўйича бир қатор чоралар кўрди. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хариди бўйича тамоман янги тартиб жорий этилди, асосий ғалла экинларини давлатга сотиш бўйича режадан ташқари ҳосил учун юқори нархлар белгиланди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига мўлжалланган саноат маҳсулотлари нархи, шунингдек, колхоз ва совхозлар учун берилаётган электр энергияси нархлари пасайтирилди. Колхозчилар меҳнатига пул билан ҳақ тўлаш тизими жорий этилиб, улар меҳнати учун совхоз ишчилариникидан кам бўлмаган миқдорда кафолатли ойлик иш ҳақи белгиланди [3].

Ш.Рашидов 1971 йили КПСС нинг XXIV съездида сўзлаган нутқида пахта

ҳосили тарихда энг юқори кўрсаткичга - гектаридан 26.2 центнерга ўсганини, республикада мисли кўрилмаган миқдорда - 4 миллион 668 минг тонна пахта йиғиб-териб олинганини ва беш йиллик режа бўйича республика Иттифоқ хирмониغا 20 миллион 670 минг тонна, режадан ортиқча 1 миллион 170 минг тонна пахта топширилганлигини айтиб ўтади [4].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада XX асрнинг 70-80-йилларида технологик инқилоблар шароитидаги қишлоқ хўжалигини ривожланишига иккита омиллар гуруҳи таъсир қила бошлаганлиги кўрсатилди: 1. Социалистик тузумнинг ривожланувчанлик томонлари; 2. Социализм афзалликларини амалга оширишга қаршилик қилувчи омиллар. Турғунликка олиб келувчи асосий омиллар - бу социалистик иқтисодий тизим зиддиятларининг кучайиши ва "совуқ уруш" хавфининг кучайиши билан қуролланиш пойгасининг иқтисодиётга салбий таъсир қилиши эди.

Режали тизим беш йилликдан беш йилликлар сари иқтисодиётнинг инқирозларсиз барқарор ўсишини, илмий-техникавий тараққиётни таъминлаб турди. Иқтисодиётни экстенсивдан интенсив ривожланиш йўли сари ривожлантириш асосий мақсад сифатида эълон қилинди. КПССнинг XXIV съезди "илмий-техника инқилоблари ютуқларини хўжалик юритишнинг социалистик тизими билан узвий равишда бириктириш" вазифасини қўйди [5].

Мамлакатда бошқарувнинг марказлашганлиги ва давлат назорати тизимининг бўшашиши оқибатида "яширин иқтисодиёт" ўсиб борди. Маҳкамачилик тўсиқлари ва "яширин иқтисодиёт" саноатга, қишлоқ хўжалигига ва савдога кириб келди ва "яширин иқтисодиёт" усулларида фойдаланмасдан ишлаш деярли имконсиз бўлиб қолди [6]. Брежнев даврига келиб баъзи вазирлик ва муассасаларда иқтисодий кўрсаткичларни ошириб кўрсатиш ва қўшиб ёзишлар авж олди [7].

АҚШ билан қуролланиш пойгаси иттифоқ жамиятини ижтимоий ва иқтисодий асосларини ривожлантиришга тўсиқ бўла бошлади. Академик А.Д.Сахаров 1987 йилда қуйидаги фикрни билдирган эди: "Қуролланиш пойгаси иттифоқ моддий ва интеллектуал заҳираларини қуритиши ва СССРни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барбод этиши мумкин дейишга ҳеч қандай асос йўқ, деган фикрларни тескари ҳолатда рўй берганлигидан тарихий тажриба гувоҳлик бермоқда" [8].

3. Тадқиқот натижалари

XX асрнинг 70-йиллари охири - 80-йиллар бошидаги вазият ижтимоий соҳада ҳам яққол намоён бўлди. Жамиятни ривожлантиришга нисбатан индустриал-технократик ёндашувлар, ижтимоий эҳтиёжлар учун маблағлар ажратишда қолдиқ принципига асосланиш кабилар социализмнинг инсонпарварлик салоҳиятининг сустлашувига, тақсимотда тенглаштириш принципига асосланишига ва ижтимоий адолатнинг бузилишига олиб келди. Иқтисодиётга волонтаристик ёндашувлар, хўжалик ҳисоби аҳамиятини эътиборга олмаслик, пул муомалаларининг бузилиши, талаб билан тақлиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини чуқурлашиб бориши, инфляция жараёнларини ўсиши ижтимоий соҳадаги инқирозларнинг янада чуқурлашувига сабаб бўлди [9].

XX асрнинг 70-80-йилларида иттифоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари нафақат "турғунлик" даврини ўз бошидан кечирди, балки регрессия ҳолати ўзини намоён қила бошлади. Албатта, бу ҳолат иттифоқ тарихшунослигида одатга кирган "турғунлик" тушунчасини ишлатиш баробарида "регрессия" тушунчасини илмий истеъмолга олиб кириш зарурати ҳам бор. Иттифоқда 15 йил ичида (1970-1985 йилларда) ишчи ва хизматчиларнинг бир йиллик даромади

фақат 1,6 марта ўсган. Лекин ўша даврдаги инфляция даражасининг ўсиши, озиқ-овқат ва бошқа ҳаёт кечирини воситаларини нархларининг тезлик билан ўсиб борганлиги эътиборга олинса, аҳолининг реал даромадлари йилдан-йилга камайиши яққол кўзга ташланади. Бу даврда аҳоли сони ўсиб боришига номувофиқ ҳолда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг бир жойда тепсиниб туриши ёки секинлик билан ўсиши билан бир вақтда ишчи, хизматчи ва колхозчиларнинг киши бошига нисбатан даромадлари ўсиб борди. Демак, ташқаридан қараганда гўёки кишиларнинг моддий ҳаёт даражаси ўсиб борди. Аммо бу даврда иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг сунъий равишда оширилиши натижасида кишиларнинг пул бирлиги ҳисобидаги даромадлари ошиб борди, лекин даромадларга эквивалент бўлган ва яшаш учун зарур бўлган истеъмол моллари қимматлашиб борди. Бошқача айтганда, реал даромадлар пасайиб борди. Товарлар тақчиллиги кучайиб, дўконлар олдида навбат кутувчилар сони бир неча юз кишини ташкил этиши одатдаги бир ҳол бўлиб қолди. Инсон учун зарур бўлган гўшт, сут маҳсулотлари, импорт кийим-кечаклар, автомобиллар камёб моллар сирасига кирганлиги учун уларнинг нархлари устига яна яширинча устамалар қўйиш ҳаёт тарзининг бир қўринишига айланди.

Бу даврда ўсишга доир рақамлар ижобий натижаларни кўрсатган бўлса-да, нафақадорларнинг даромади ҳаттоки яшаш минимумини ҳам таъминламай қўйди. Реал иш ҳақи пасайиб бориши одатга айланди. Инфляция кучайди. Заргарлик буюмлари, хрусталл идишлар, гиламлар, мебель, тикувчилик товарлари, мўйна териси, жун газламалар, бензин, босма нашрлар, қурилиш материаллари, қандолат маҳсулотлари, цитрус мевалар, шунингдек, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш нархлари бир неча марта ўсди [10]. Гўшт-сут маҳсулотлари, нон нархи ҳам йилдан йилга ўсиб борди. Натижада, 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб товарлар тақчиллиги бошланди. Ишчилар иш ҳақини тўлашда охириги ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳажми ёки таннарҳини ҳисобга олмасдан бараварлаштириш асосида ёндашиш боқимандалик кайфиятларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Иттифоқда яширин ишсизлик 30 фоизга ўсди. Одамларнинг умр кечирини муддати 1969 йилда ўзининг энг юқори кўрсаткичига эга бўлиб, ундан кейинги йилларда бу кўрсаткич йилдан-йилга пасайиб борди. Ўнлаб миллион одамлар оқава сувлар қувурларига эга бўлмаган, уйини оддий печда иситадиган аҳволда яшашда давом этди. Қишлоқ аҳолиси телефондан умуман фойдаланмас эди. 70-йиллар бошига келиб 1700 хил синалган истеъмол товарларидан фақат бир неча ўнлаб товарларни дўконларда топиш мумкин эди. 2,2 рублга сотиладиган гўштни фақат Москва шаҳрида учратиш мумкин бўлиб қолди. Дўконларнинг гўшт сотиш дарчалари ёппасига йўқ қилинди. Бозорларда гўштнинг нархи 6-7 рублга кўтарилди [11].

1964 йилнинг октябрь ойида Н.С. Хрушчев партия Марказий Кўмитаси Президиуми қарори билан ҳокимиятдан четлаштирилди. Шу даврдан бошлаб сиёсий раҳбариятнинг асосий мақсади барқарорликни таъминлаш бўлиб қолди. Мамлакатда Л.И. Брежневнинг (1964-1982 йй.) бошқарув даври бошланиб, у кейинчалик Ю.В. Андропов (1982-1984 йй.) ва К.У. Черненко (1984-1985 йй.) бошқарув давлари билан тугалланди. Бу учта "қариялар" бошқарувидаги давр тарихга "турғунлик" номи билан кирди. Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бу давр жамият ҳаёти устидан мафкуравий назоратнинг кучайиши, демократик ҳаракатларнинг кескин равишда тўсиб қўйилиши, жамиятда партиянинг раҳбарлик ролини оширишга ниҳоятда муҳим аҳамият қаратилиши каби белгилар билан тавсифланади.

Ички сиёсатдаги бу салбий омиллар жамиятни бошқаришда маъмурий усулларнинг мустақамланиши билан бир вақтда ривожланиши оқибатида бошқарувчилар билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларда авторитар-бюрократик тамойилларни ниҳоятда кучайтирди. Лекин қизиғи шундаки, бу даврдаги партия ҳужжатларида совет давлатини демократлаштириш партия сиёсатининг асосий йўналиши сифатида эълон қилинди [12].

1977 йилги Конституция декларатив тусда бўлса ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга доир қатор қоидаларни эълон қилди. Иттифоқдош республикалар ҳуқуқлари кенгайтирилиб, уларнинг СССР таркибидан чиқиши ҳам мумкин эканлиги эътироф этилди. Аммо бу эълон қилинган демократик қадриятлар фақат қоғозда қолиб кетди. Улардан бирортаси ҳам ҳаётда ўз ифодасини топмади. Жамиятнинг давлат ва партиёга нисбатан пайдо бўлган янги муносабати диссидентлик [13] ҳаракатларида яққол кўринди. Бу ҳаракат дастлаб Хрушчев даврида ўзини кўрсатган бўлса, "турғунлик" даврига келиб авж олди. Диссидентлар ичида қуйидагиларнинг номлари жаҳон бўйлаб тарқалди: СССР Фанлар академиясининг академиги А.Д. Сахаров, унинг мухбир-аъзоси И.Р. Шафаревич; ёзувчилар - А.И. Солженицин, А.Д. Синявский, Ю.М. Даниэль, С.Д. Довлатов, В.П. Аксенов, А.Г. Битов, А.Т. Марченко; шоирлар - И.А. Бродский, А.А. Галич, Б.Ш. Окуджава, В.С. Висоцкий, Н.М. Коржавин, Е.Б. Рейн; жамоат арбоблари - В.И. Новодворская, Е.Г. Боннэр, С.А. Ковалев ва бошқалар. Улар давлат ва партия олдида Конституцияда қайд этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаш, цензурани йўқотиш, сўз эркинлигини бериш каби талабларни қўйди [14].

СССРдаги биринчи "ошқоралик митинги" 1965 йилда Москва шаҳридаги Пушкин майдонида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракати фаоллари тўпланиб, улар Фарба ўз асарларини нашр этганлиги учун қамоққа олинган А.Д. Синявский ва Ю.М. Даниэлнинг суд жараёнини ошқора ўтказишни талаб қилиб манифестация уюштирганидан бошланди [15]. 1968 йилда иттифоқ қўшинлари томонидан Чехословакиядаги миллий кўзғолоннинг бостирилишига қарши намойишлар бўлиб ўтди. 1968 йилдан 1983 йилгача "Кундалик ҳодисалар хабарлари" номли бюллетень яширин равишда иттифоқдаги инсон ҳуқуқларининг бузилишига доир хабарларни бериб борди. 1974 йилда машҳур ёзувчи А.И. Солженицин мамлакатдан бадарға қилинди. Мамлакатда бошланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳаракатларига қарши давлат хавфсизлик кўмитаси (ДХК) репрессив санкцияларни анча кучайтирди. Шунга қарамай, мамлакатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракатлари кенгая бошлади. Яширинча "ўзлик нашри" ("самиздат") деб аталадиган норасмий адабий нашрлар пайдо бўлди. "Вече", "Изланишлар" ва бошқа яширин нашр этилган тўпламлар чоп этилди. "Ўзлик нашри" сифатида тарқатилган Булат Окуджава, Владимир Висоцкий ва А.А.Галичларнинг қўшиқларини халқ жондиди билан қабул қилдилар [16].

М.С. Горбачев ҳокимият тепасига келганидан кейинги "қайта қуриш" сиёсатининг ўзаги сифатида эълон қилинган "ошқоралик" шиорлари ва амалиёти ҳам сиёсий инқирозни янада чуқурлаштирди. Чунки дастлаб ошқоралик социализмни бузиб кўрсатишларга қарши конструктив танқид сифатида эълон қилиш мўлжалланган эди. Озгина вақт ўтиб, ошқоралик чуқур мафкуравий қатламлар ва илгари таъқиқланган мавзуларга ҳам даҳл қила бошлади.

1990 йилнинг март ойида чақирилган СССР халқ депутатларининг учинчи (навбатдан ташқари) съездида Конституциянинг 6-моддаси, яъни "КПССнинг совет жамиятини йўналтирувчи кучи ва ядроси" эканлигига доир принципнинг

бекор қилиниши мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим воқелик бўлди. Бу билан жамиятда кўппартиявийликка йўл очилган эди. Бу ҳолат иттифоқдош республикаларда миллий мустақиллик ҳаракатларининг авж олишига сабаб бўлди. Чунки, иттифоқдош республикаларга нисбатан мустабидлик сиёсати асосан партия томонидан амалга оширилаётган эди. Иттифоқдош республикаларда (славян бўлмаган) партиянинг туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасидаги комитетлари иккинчи котиби лавозимига рус миллатига мансуб одамни қўйиш русумга кирган эди. Барча даражадаги партия ташкилотларининг ташкилий ва кадрлар бўлимлари ҳам рус миллатига мансуб мансабдорлар томонидан бошқарилар эди. Улар иккинчи котиб билан биргаликда, асосан, кадрларни ишга қўйиш, бўшатиш, КПСС сиёсатини жойларда амалга ошириш ишларига мутасадди эди. Бу ҳолат республикалар раҳбарияти ва фуқаролари нафратини келтирар эди.

Яккаҳоқим партиянинг бошқарув ваколати чекланиши натижасида 1989-1990 йилларда халқ оммасининг сиёсий ҳаётдаги иштироки авж олди: СССР халқ депутатларига сайловларда ҳар бир депутатлик ўрнига бир неча муқобил номзодлар қўйиш амалиёти ўрнатилди; жамиятда кўппартиявийликка асос солинди. КПССга муҳолифатда бўлган "Демократик иттифоқ", "Россия демократик партияси", "СССР либерал-демократик партияси" кабилар ташкил топди, Ўзбекистон ССРда "Бирлик" халқ ҳаракати, "Эрк" демократик партиялари юзага келди. Бу даврда собиқ иттифоқда 50 та сиёсий партия фаолият олиб борди. Партия ва давлат бошқарувида маъмурий-буйруқбозлик услуби авж олганлиги нафақат кучли танқидга учради, балки бу ҳолатни партия раҳбарияти ҳам тан олди. Натижада бу даврда партия ва унинг аппарати ҳокимияти инқирозга учрай бошлади. 1990 йил охирига келиб, сиёсий ўзгаришлар кескин тус олди [17].

"Қайта қуриш" сиёсати турли халқлар, миллатлар ва иттифоқдош республикалар фуқароларининг миллий ўзини ўзи англаши, шунингдек, миллий мустақиллик ҳис-туйғуларини уйғотди. Бу даврда Болтиқбўйи республикалари - Латвия, Литва ва Эстонияда СССРдан ажралиб чиқиш мақсадидаги миллий мустақиллик ҳаракатлари авж олди. Ҳаттоки, Россияда ҳам Б.Н. Ельцин бошчилигида СССРдан ажралиб чиқиш ҳаракати юзага келди.

1991 йилнинг бошидан эътиборан Совет иттифоқи ўзининг емирилиш палласига кирди. 1991 йил августидаги давлат тўнтаришига қаратилган фитна партиянинг ниҳоятда кучсизланиб қолганлигини кўрсатди. "Қайта қуриш" сиёсатидан халқнинг ихлоси қайтди. 1985 йилда эълон қилинган қуйидаги вазифаларнинг бирортаси ҳам ҳаётда ўзини намоён қила олмади: 1) сиёсий плюрализм; 2) бозор иқтисодиётига ўтишнинг амалий жиҳатлари; 3) федерация тузиш шартномасини қабул қилиш. Бунинг натижасида бошланган сиёсий инқироз Совет иттифоқининг қулашига олиб келди [18].

4. Хулосалар:

1990 йилнинг февраль ойида СССР халқ депутатларининг учинчи (навбатдан ташқари) съездида Конституцияга ўзгартириш киритилиб, унга биноан СССР Президенти лавозими таъсис этилди. Бу лавозимга съезд томонидан М.С.Горбачев сайланди. Албатта, иттифоқда кечган бу ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўша даврларда унинг таркибий қисми сифатида яшаётган Ўзбекистон совет социалистик иттифоқидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам намоён бўлди ва ўзини кўрсатди. Лекин диний ва миллий жиҳатларда Россиядан кескин фарқ қиладиган, узоқ давр мустабидлик асоратида яшаган Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд эдики, уларнинг таҳлилини

кейинги бобларда батафсил кўриб чиқамиз.

XX асрнинг 70-80-йилларида совет Иттифоқида қуйидаги ижтимоий-сиёсий вазият шаклланди:

- собиқ иттифоқ тоталитар жамиятда яккаҳоқим мафкура остида бўлганлиги учун иқтисодий рақобатда Фарбдаги мамлакатлардан анча орқада қолиши иқтисодий инқирозни, бу эса ўз навбатида ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди;

- собиқ иттифоқ раҳбариятини иқтисодиётга бозор муносабатлари унсурларини киритиши яккаҳоқим мафкуранинг зил кетишига, аҳолини партия аппаратига қарши курашга қўзғалишига, иттифоқдош республикаларни мустақиллик учун курашга уйғотди;

- партия раҳбариятининг бозор муносабати унсурларини тўлиқ жорий этмаганлиги, бу муносабатлар иқтисодий таянчи - мулкдорлар қатламининг ҳали шаклланмаганлиги мамлакат иқтисодий ва ижтимоий аҳволини аянчли ҳолга олиб келди ва сиёсий парокандаликда намоён бўла бошлади;

- яккаҳоқим партиянинг кескин равишда кучсизланиши иттифоқдош республикалар миллатлари ва халқларида ўзини ўзи англаш жараёнларини шакллантирди, республикалар иттифоқдан ажралиб чиқиш ҳаракатини бошлади.

Иқтибослар / Сноски / References

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т.: Шарқ, 2000. - Б. 570.

[2] Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси./ Авторлар коллективи. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1977. - Б. 122.

[3] Материалы XXIV съезда КПСС. - М.: Политиздат, 1971. - С. 34.

[4] XXIV съезд Коммунистической партии Советского Союза. 30 март - 9 апреля 1971 г. Стенографический отчет. Том 1. - Москва: 1971. - С. 196.

[5] Материалы XXIV съезда КПСС. - М.: Политиздат, 1971. - С. 34.

[6] Шубин А.В. От "Застоя" к реформам. СССР в 1977-1985 гг. - М.: РОССПЭН, 2000. - С. 138.

[7] Киран Р., Кенни Т. Продавшие социализм: Теневая экономика СССР. - М.: Алгоритм, 2010. - С. 54.

[8] Сахаров А.Д. Мир, прогресс, права человека. Статьи и выступления. - Ленинград: 1990. - С. 66.

[9] Аксенов Ю.С. Остаточный принцип в социальной сфере //На поргое кризиса: нарастание застойных явлений в партий и обществе. Под. общ. ред. В.В. Журавлева. - М.: Политиздат, 1990. - С. 279.

[10] Қаранг: Народное хозяйство СССР в 1980 г.: Стат. ежегодник. - С. 382.

[11] Қаранг: Лопатников С.Л. Застой в цифрах и фактах //http://jlm-taurus.livejournal.com/39366.html.

[12] Эпоха застоя в СССР //http://historynotes.ru/period-zastoya/.

[13] Диссидент [лот. dissidens (dissidentis) норози, мослашмаган, қарама-қарши турувчи] 1) ҳукмрон эътиқодга амал қилмайдиган одам; 2) ҳукмрон мафкура билан келишмайдиган, бошқача фикрловчи одам.

[14] Развитие диссидентского движения в 70-80-е годы. Правозащитники 70-х годов // https://studbooks.net/2422535/istoriya/razvitie_dissidentskogo_dvizheniya_gody_pravozaschitniki_godov.

[15] Власть и диссиденты : из док. КГБ и ЦК КПСС / Арх. нац. безопасности

при Ун-те Джорджа Вашингтона (США), Московская Хельсинская группа; подгот. Текста и коммент.: А. А. Макаров, Н. В. Костенко, Г. В. Кузовкин. - Москва: Московская Хельсинская Группа, 2006. - С. 269

[16]Қаранг: Разрядка международной напряженности //http://poznayka.org/s10174t1.html.

[17] Жуков В.Ю. Новейшая история России: перестройка и переходный период... - С. 233.

[18] Верт Н. История советского государства. 1900 - 1991: Пер. с фр. - М.: Прогресс-Академия, 1992. - С.317.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000